

- кадрлар салоҳиятини тўғри ташкил қилиш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида илмий даргоҳга эга бўлган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ва кластерлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланиши асосида фан, таълим ва ишлаб чиқариш боғлиқлигини вужудга келтириш;

- худудларда тўқимачилик иқтисодий зоналарини ташкил этиш орқали солиқ имтиёзлари берилишини таъминлаш ҳамда мато ишлаб чиқариш ва фурнитура аксессуар ишлаб чиқариш

риш корхоналарининг бир-бирига яқин масофада фаолият олиб бориши. Бунинг натижасида маҳсулот таннархи пасайиши ва маҳсулотнинг рентабеллик кўрсаткичлари оширилишига имкон яратилади;

- Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва бу орқали аъзо мамлакатлар билан тенг манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиши тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона божларидан озод бўлишини таъминлайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 декабрь куни Қишлоқ хўжалиги ходимлари анжуманига бағишланган тантанали йиғилишидаги нутқи.
2. Солиев А. ва Хакимов З. Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари. // "Бизнес-эксперт" журнали. 2014 йил, 1-сон, 52-57-бет.
3. Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси маълумотлари.
4. Бекмуродов А.Ш. ва Янг Сонг Бе. Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви. Монография. 2006 йил. – 112 бет.
5. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. С. 51.
6. Enright M. (1996) "Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda", in Staber U., Schaefer N. and Sharma B (Eds). "Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin". Walter de Gruyter, p. 190-213.
7. Маршалл А. Принципы экономической науки, I-III. Пер. с англ. – М.: Издательская группа "Прогресс", 1993.
8. Бегаттин П., Becattini G. From Marshalls to the Italian "Industrial Districts". / www.copetivness.org
9. Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобрразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительство Пензенской области. Пенза-2013.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ-14-сонли "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" фармойиши.
12. Вахобов Д. Ўзимизнинг пахтадан тўқимачилик саноатигача. www.yuz.uz
13. Раҳматов М. Пахта сийёсати ва монокультураси. www.xs.uz
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978-сонли "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.



СANOAT KORXONALARINING Iшлаб чиқариш салоҳиятидан САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

Миркомилев Миразиз Нодирович -
 таянч докторант,
 И.Каримов номидаги ТДТУ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a44](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a44)

Аннотация. Ушбу мақолада ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштиришнинг ўрни ва аҳамияти, саноат ресурсларидан фойдаланишни оқиллона ташкил этиш йўллари, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти қўриб чиқилади. Муайян чора-тадбирлар мажмуасини яратиш орқали ушбу масалаларни ҳал қилишнинг асосий жиҳатлари таклиф этилади.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш ресурслари, корхоналар қуввати, иқтисодий салоҳият, моддий ишлаб чиқариш, ишчи кучи, самарадорлик, такомиллаштириш.

ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ПОТЕНЦИАЛА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Миркомилев Миразиз Нодирович -
 Базовая докторантура, ТГТУ

Аннотация. В данной статье рассмотрены роль и значение улучшение использования производственных ресурсов, пути улучшения, рационализации использования промышленных ресурсов, а также его значения для повышения эффективности производства. Предлагается основные аспекты решения данных проблем путем создания комплекса определенных мероприятий.

Ключевые слова: производственные ресурсы, мощность предприятий, экономический потенциал, материальное производство, рабочая сила, эффективность, совершенствование.

THE MAIN ASPECTS OF EFFECTIVE USE OF PRODUCTION POTENTIAL
OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Mirkomilov Miraziz Nodirovich

Doctoral candidate

TSTU named after I.Karimov

Abstract. This article considers the role and the importance of improving the use of production resources, the ways of developing, rationalizing the use of industrial resources, as well as its importance for increasing the production efficiency. The main aspects of solving these problems by creating set of certain measures are proposed.

Keywords: production resources, capacity of enterprises, economic potential, material production, labor force, efficiency, improvement.

Кириш. Сўнгги йилларда республикамизда саноат-ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва уни саноат корхонасининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига жалб этиш стратегиясини илгари суришга катта эътибор берилмоқда. Шу ўринда ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқаришнинг тегишли тизими ва механизмини шакллантириш, бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва саноат корхонасининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлаш тўпланган ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт етакчи тармоқларининг замонавий ривожланишига мос равишда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича янги сиёсат воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда. Ривожланаётган Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини замонавий талаблар асосида самарали ривожлантириш, инновацион технологияларни ишлаб чиқариш соҳасига кенг жорий этиш, рақамли технологияларни татбиқ этиш асосида жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда инсон капиталини ривожлантириш каби сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш” [1] устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун самарадорликни баҳолашда, соҳа талабларининг хусусиятлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек, юқори сифатли самарадорлик кўрсаткичларини услубий ва амалий таъминлаш, ички имкониятлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишга қа-

ратилган тадқиқотларга устувор аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Пост-индустриал жамият, инновацион иқтисодиёт муаммоларини ривожлантириш, инновацияларнинг иқтисодий (саноат) даврларини ривожлантириш бўйича қарашлар, хусусан, П.Друкер, Д.Кларк, Г. Менш, Р. Портер, Б. Санто, Р. Фостер, Р. Солоу, Б. Твисс ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган [2].

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий жиҳатлари МДҲ мамлакатлари олимлари А.Г.Аганбеян [3], А.В.Федотов [4], Н.В.Фейгельман [5] томонидан кенг тадқиқ этилган.

Жумладан, Н.В.Фейгельман ўз ишида корхонанинг ишлаб чиқариш компонентидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун 6 та йўналишни келтиради. Ушбу йўналишларга қуйидагилар кирилади:

– хомашё сифатини ошириш, яъни хомашё таркибидаги фойдали моддалар миқдори ва уни ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш, маҳсулотни ажратиш олиш имконияти. Маҳаллий ва хорижий амалиёт ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, бу активлар рентабеллигини 20-25 фоизга ошириш имконини беради;

– чиқинди ва чиқиндилардаги фойдали моддаларнинг йўқотилишини камайтириш. Чиқиндиларни улар пайдо бўлган жойда саноатда қайта ишлаб чиқариш ҳажмини 20 %гача, капитал унумдорлигини эса 10-15 %га ошириш имконини беради;

– замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини ва уларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, чиқиндисиз, кам чиқинди, ресурсларни тежайдиган технологиялар ва ускуналарни жорий этиш. Бу қайта ишланган хомашёнинг бир хил ҳажмидан маҳсулот олиш ва капитал унумдорлигини оширади;

– мавжуд эскирган ускуналарни янги, самаралироқ ва тежамкор ускуналар билан алмаштириш;

– ишлаб чиқариш концентрацияси даражасини оптимал ҳажмгача ошириш;

– асосий фондлардан фойдаланиш самардорлигини оширишнинг иқтисодий рағбатларини яратиш [6].

Н.Дубинина фикрига кўра, ишлаб чиқариш салоҳиятининг бир қисми сифатида фонд салоҳияти, молиявий барқарорлик, меҳнат салоҳияти, иқтисодий ва айланма маблағлар салоҳияти ажратиб кўрсатилиши керак [7].

И.В.Савчик тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашда қиймат усулидан фойдаланиш ресурсларнинг мавжуд салоҳиятига тўғри баҳо бериш имконини беради [8].

Хорижий адабиётларда ушбу мавзу бўйича нашр этилган илмий ишлар салмоғи кенг бўлса ҳам, Ўзбекистонда бу борада олиб борилиши зарур бўлган тадқиқотлар ҳали амалга оширилмаган. Шу жиҳатдан ҳам мавзуни кенг ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси. Мақолада турли хил таҳлиллар қўлланилган: эвристик ва экс-

перт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, корреляция, иқтисодий ва статистик, график таҳлил ва бошқа усуллар.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш салоҳияти қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: ишлаб чиқариш ускуналари ва уларнинг технологик даражаси, табиий ресурслар, моддий-хомашёвий мувозанатни, мавжуд алоқа тизими, яъни ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатишни ташкил этиш. Мазкур тадқиқотда ўрганилаётган тушунчанинг қуйидаги таърифи муаллиф томонидан тақдим этилмоқда: “Саноат корхонасининг салоҳияти корхонанинг ўз олдида қўйган мақсадларига эришишда мавжуд моддий-техник, меҳнат ва ахборот ресурслари мажмуасидан самарали фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнининг юқори натижадорлигини таъминлаш имкониятларидир”.

Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм):



1-расм. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг схематик тусилиши

Манба: муаллиф ишланмаси.


Мамлакат иқтисодиётида саноат корхоналарининг улуши ортаётган бир пайтда, ресурсларнинг чегараланганлигини инобатга олган ҳолда улардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳияти таркибини аниқ баҳолаш корхонани бошқариш ва натижадорлигини таъминлаш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш жараёнида долзарб аҳамиятга эга.

Ҳар қандай динамик тизим каби ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳам бошқариш зарур. Муаллиф томонидан ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқаришни ташкил этиш деб, бошқарув ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнида корхонадаги мавжуд моддий-техникавий, меҳнат ва ахборот ресурсларини жалб этиш ҳамда улардан самара-

ли фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш натижадорлигини таъминлаш орқали корхонанинг ўз олдида қўйган мақсадларига эришиш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқариш жараёнининг моҳияти бошқарув объектлари ва субъектларининг ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Мазкур муносабатлар механизми уйғунлашган ҳолда фаолият юритиши учун қуйидаги назарий-методологик асосларга таянмоғи лозим (2-расм).

Мавзунинг амалий аҳамиятини ошириш мақсадида муаллиф томонидан “UZKABEL” АЖ корхонасининг молиявий-иқтисодий маълумотлари ва ишлаб чиқариш салоҳияти таҳлил қилинди.



2-расм. Ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқариш жараёнининг моҳияти

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Олиб борилган таҳлиллар кўрсатадики, 2020 йилдаги пандемия натижасида корхонада ҳам ишлаб чиқариш таннархи ошиши натижасида бу кўрсаткич зарар эвазига ёпилади. Аммо 2019 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 2020 йилда сотилиши соф фойда ва ялпи фойданинг ортишига олиб келади.

Замонавий инқирозлар тез-тез такрорланаётган шароитда “UZKABEL” АЖ корхонаси фаолиятининг ҳам самарадорлигини оширишнинг иқтисодий-ташкилий андозасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

1-жадвал

2019-2020 йилларда “UZKABEL” АЖ корхонасининг асосий молиявий-иқтисодий натижалари (фойда ва зарар), сўм [9] (1-жадвал)

№	Кўрсаткич	2019 й.	2020 й.
1.	Соф фойда	893 221 286	974 151 774
2.	Ишлаб чиқариш таннархи	747 298 486	-816 584 364
3.	Ялпи фойда	145 922 800	157 567 410

Корхона ҳолатини андозалаштириш бозор муҳитининг ноаниқлилик ва ўзгарувчанлик шароитида бошқарувнинг асосий воситаларидан биридир. Оқилона андозалаштириш миқдорий муносабатлар ва муҳим омилларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш ва қабул қилинган қарорлар натижалари ҳамда корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари ўзгаришини ҳисоблашга имкон беради. Шу сингари андозалар қабул қилинган бошқарув қарорларининг иқтисодий қиймати ва молиявий оқибатларини тезда аниқлаш ҳамда баҳолаш имконини беради.


Шу муносабат билан муаллиф томонидан ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш асосида саноат корхонаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-иқти-

содий андоза шакллантирилди (3-расм). Саноат корхонаси самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ошиши ҳамда харажатларни қисқартиши орқали қўйилган мақсадларга эришганлигидир.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида саноат корхоналари кўрсаткичларини юксалтиришга, аввало, ишлаб чиқариш самарадорлиги захираларини аниқлаш асосида ишлаб чиқариш унсурларини ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобидан эришиш мумкинлиги аниқланди. Муаллифнинг фикрича, ишлаб чиқариш салоҳияти турли хил тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширувчи ташкилотлар сони, фаолият самарадорли-

ги, натижадорлиги, интеллектуал мулк объектлари, инновация соҳасидаги мутахассислар, олимлар, ходимлар, молиявий ва моддий-ишлаб чиқариш асослари, илмий ҳамда инновацион

маълумотлар, илмий мактаблар ва уларнинг маҳаллий ва жаҳон фанидаги ўрнини ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш фаолиятининг ресурсларидир.



3-расм. “UZKABEL” АЖ корхонаси фаолияти самарадорлигини оширишнинг иқтисодий-ташкилий андозаси

Ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш учун муаллиф томонидан унинг нафақат қиймати, балки унинг фойдаланиш самарадорлиги даражасини ҳам аниқлаш имкониятини берувчи, ўзида ресурс ва натижадорлик ёндашувларининг афзалликларини мужассамлаштирган кўрсаткичларнинг умумий тизими ва аниқлаш услубияти таклиф этилмоқда. Шунингдек:

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти тизимини декомпозициялаш, унинг асосий таркибий қисмларини ажратиб олиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ҳар бир унсурлари аҳамиятлик даражасини аниқлаш жараёни амалга оширилади.

2. Тадқиқот даври учун ишлаб чиқариш салоҳияти унсурларидан самарали фойдаланишнинг ҳақиқий кўрсаткичлари аниқланади.

3. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг алоҳида таркибий қисмлари аҳамияти ҳисоблаб чиқилади ва барча олинган кўрсаткичлар саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичларига синтезланади.

4. Босқичдан босқичга ўтиш изчиллигидан (паст – 50 %; ўрта – 51 %дан 80 %гача; юқо-

ри – 81 %дан юқори) келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси аниқланади ва корхона фаолияти ҳақида хулосалар шакллантирилади.

5. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида захираларни стратегик ривожланишга йўналтириш йўллари аниқлаштирилади.

Шундай қилиб, ўтказилган изланишлар, ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўзига хослиги шундаки, унинг унсурлари барча турдаги захираларга эга бўлиб, улардан фойдаланилган ҳолда саноат корхоналарининг самарадорлиги сезиларли даражада ошишига эришиш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Миллий иқтисодиётнинг электротехника саноати соҳаси ривожланиши учун корхонанинг саноат-ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда молиялаштириш ҳажмини ошириш ва жадаллаштиришнинг мавжуд механизмлари етарли эмас. Ишлаб чиқариш салоҳияти шаклланиши ва ривожланиши турли ташкилий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар, ўз навбатида, унсурлар ўртасидаги тизимли алоқаларни тиклаш зарурати билан белгиланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли. <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Колесниченко Елена Александровна, Чекулина Татьяна Александровна Развитие промышленных предприятий как основа инновационного развития страны. // Вестник ТГУ. 2011. № 10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-promyshlennyh-predpriyatij-kak-osnova-innovatsionnogo-razvitiya-strany> (дата обращения: 12.03.2022).
3. Аганбегян А.Г. Научно-технический прогресс и ускорение социально-экономического развития. – М.: Экономика, 1995. С. 8.
4. Федотов А.В. Сдерживающие факторы экономического развития промышленных предприятий. // Вопросы региональной экономики. 2013. № 4. С. 95-104.
5. Фейгельман Н.В. Выявление путей повышения эффективности использования основных производственных фондов промышленного предприятия. // Демидовские чтения – Тула 2015. 2015. С. 285-290.
6. Шнайдер О.В., Федулова Н.Н. Основные пути повышения эффективности использования производственного потенциала предприятия. // Балканско научно обозрение. 2017. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnyeputi-povysheniya-effektivnosti-ispolzovaniya-proizvodstvennogo-potentsiala-predpriyatiya> (дата обращения: 12.03.2022).
7. Дубинина Наталья Александровна Производственный потенциал промышленного предприятия и методы его оценки. // Вестник АГТУ. Серия: Экономика. 2009. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/proizvodstvennyu-potentsial-promyshlennogo-predpriyatiya-i-metody-ego-otsenki> (дата обращения: 14.04.2022).
8. <https://core.ac.uk/download/pdf/212980468.pdf>
9. <http://uzkabel.uz/documents>



ЕНГИЛ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Норқувватова Гулмира Изатуллаевна -
Навоий давлат педагогика институти,
докторант

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a45

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда енгил саноатни ривожлантиришнинг аҳамияти, фаолиятни ташкил этишда илмий-институционал асосларининг такомиллашуви, енгил саноат корхоналарини ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, ялпи ички маҳсулот, енгил саноат, тукувчилик, тукув-трикотаж, пахта тўқимачилик кластери, стандарт, иқтисодий омиллар.